

Хаворижларга қарши чиқиш керакми?



12:42 / 22 апрель 1670

نَا هُنَّ عُلَّالَا يَضَرُّ رَذِي بَأْنَع
هَلَّلَا يَلَّصْ هَلَّلَا لُوسَر
يُدْعَبُ نَا: «لَا قَمَّ لَسَوِ هَيْلَع
يُدْعَبُ نُو كَيَّ سَوَا يَتَّمُ أْنَم
نَأْرُقْلَا نُوَأْرُقَيُّ مَوْقِ يَتَّمُ أْنَم
نُوْجُرْخَيُّ مُمَّهَمِّي قَالَحُ زَوَاجِي أَل
مُمَّهَسَلَا جُرْخَيُّ أَمَكِ نِي دَلَا نَم

نُودُوعِي آلٌ مُثِةٌ يَمْرُلَانِ م
قَلْخُلَا رَشْمُهُ هِي ف
وَبَأُو مِلْسُمُ هَاوَر . «ةَقِي لَخُلَاو
ي فُ نُو كَيَس» :هُ ظَفَلَو دُوَاد
مُوقُ ،ةَقُرْفَو فَا لَتَخَا ي تَمُّأ
،لِي قِلَا نُونَسُ حِي
نُوَأَرْقِي ،لُعْفَلَا نُوئِي سِي و
،مُهُ ي قَارَتُ زَوَاجِي آلَ نَأَرْقِلَا
قُورْمِ نِي دِلَا نَمَ نُو قُرْمِي
آلُ ،ةِي مْرُلَا نَمِ مَهَسَلَا
يَلَعُ دَتَرِي يَّتَحَ نُو عَجَرِي
قَلْخُلَا رَشْمُهُ ،هِ قُوفُ
نَمِلُ يَبُوطِةَقِي لَخُلَاو

يَلَا نُوْعَدِي هُوَلَتَقَو مُهَلَتَق
هُنَم اُوْسِيَلَو هَلَلَا بَاتِك
نَاك مُهَلَتَاق نَم، عِيَشِي ف
:اُولَاق، «مُهَنَم هَلَلَا ب يَلَوَا
؟ مَهَامِي سَام هَلَلَا لُوْسَرَاي
قِيْلَحْتَلَا» :لَاق

Абу Зар розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ алайҳиссалом шундай дедилар: **«Мендан кейин (ёки келажақда) менинг умматимдан бир қавм чиқади. Улар Қуръон ўқийди, лекин у уларнинг ҳалқумидан нари ўтмайди. Улар диндан худди камондан чиққан ўқдек чиқишади, кейин унга қайтишмайди. Ана ўшалар одамларнинг ва барча махлуқотларнинг энг ёмонидир».**

Муслим ва Абу Довуд ривоят қилганлар.

يَبَانُ ب هَلَلَا ذِيْبُعُ نَع
نَا هُنَع هَلَلَا يَضَرِعُ فَا
عَم وَهَو تَجْرَحُ اَمَلَةَ يَرُوْرَحُ لَا
، هَلَلَا اَلَا مَكُحُ اَل :اُولَاق تِيْلَع

أَهْبَ دِيرًا قَحُّةً مَلَكَ يُيَلَعُ لَأَقِ
يَلَصُّ هَلَلًا لُؤْسَرُّ نَا، لَطَابُ
فَصَّوْ مَلَّسَّوْ هَيْلَعُ هَلَلَا
مُهَاتَ فِصُّ فِرْعَالُ يِّنَا أَسَانُ
قَحُّ لَانُؤَلُوقِيْءَالُؤَهْ يِف
زَوَاجِيْ أَلْ مِهَتَنَسْ لَابُ
هَلَلَا قَلَحْ ضَعْبَانُ مِ، مُهَقْلَحْ
هَيْدِيْ يَدْحُ إِدُوسَا مُهَنْمِ هَيْلَا
يِدَّتْ مُمَلَحْ وَأِيْةَ أَشُّ يِبُطْ
هُؤَدَجَّوْ يُيَلَعُ مُهَلَّتْ قِ أَمَلَفْ
مَلْسُ مِ هَاوَرْ

Убайдуллоҳ ибн Абу Рофеъ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Ҳарурийлар Алий розияллоҳу анҳуга қарши чиққан пайтда «**Ҳукми фақат Аллоҳ қилади!**» дейишди. Шунда Алий розияллоҳу анҳу: «Ҳақ калима билан ботил нарса ирода қилинди. Расулуллоҳ алайҳиссалом бизга бир тоифа одамларни васф қилган эдилар, мен ўшаларнинг сифатини анавиларда кўряпман. Улар тилда ҳақ гапни

айтишади, лекин бу гап уларнинг ҳалқумидан нарига ўтмайди. Уларнинг ичида Аллоҳга махлуқотлар ичида энг ёқмайдиган кимса бор, унинг икки қўлидан бирида қўйнинг елинига ёки елиннинг соғиладиган жойига ўхшаш нарса туради», деди. Алий уларни қатл қилгач, ўша одамни топишди».

Муслим ривоят қилган.

Шарҳ: Бу ривоятда зикр қилинаётган ҳодисалардан олдин қуйидагилар бўлиб ўтган эди:

Сиффиндаги жангда Муовия томон енгилиб, ҳазрати Алий ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳунинг тарафдорлари ғолиб кела бошладилар. Ишлари чатоқлигига кўзи етган Муовия ва Амр ибн Ос ўзаро маслаҳат қилишди. Амр ибн Ос «Нариги томонни ўртада Аллоҳнинг Китобини ҳакам қилишга чақириш керак», деди. Муовия ўз одамларига найзалар учига мусҳафларни боғлаб чиқишни буюрди. Унинг одамлари найзалар учига мусҳафларни боғлаб чиқишди.

Бу ҳолни кўрган ҳазрати Алий ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳунинг одамлари ихтилофга тушиб қолишди. Бирлари «Аллоҳнинг Китобини ҳакам қилайлик деган чақириққа жавоб бермасак бўлмайди», дедилар. Бошқалари «Бу ҳийла бўлса керак, жангни давом эттириш керак», дедилар. Алий ибн Абу Толиб каррамаллоҳу ваҳҳаҳу ҳам шу фикрда эдилар. Аммо Аллоҳнинг Китобини ҳакам қилишга рози бўлганлар кўпчилик эди. Шундай бўлса ҳам, ҳазрати Алий ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу уларни бу ҳийла эканлигига ишонтиришга уриниб кўрдилар.

«Аллоҳнинг Китобига ижобат қилишга энг ҳақли одам менман! Мен уни сизлардан яхши биламан. Бу ерда ҳақ калима билан ботил иш ирода қилиняпти. Ўзи мен улар Қуръоннинг ҳукмига бўйсунуши учун жанг қиялман. Энди қандоқ қилиб унинг ҳукмидан бош тортишим мумкин? Улар мусҳафларни Қуръоннинг ҳукмини ирода қилгани учун кўтараётгани йўқ. Бу алдамчилик, ожизлик ва ҳийла, холос! Менга билакларингиздаги кучни бир соатга қарзга бериб туринглар! Ўзи Ҳақ кесиладиган жойига етиб қолди!» дедилар.

Аммо Ашъас ибн Қайс бошлиқ тараф «Қуръоннинг ҳукмига даъватни қайтариб бўлмайди», деб туриб олиб, олдинга кетган лашкарни чақиришни талаб қилди. Шу ерда ҳазрати Алий ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳунинг яна мусулмонлар қонини тўкмаслик ҳақидаги истаклари устун келиб,

боягиларнинг талабига биноан лашкарни қайтаришга амр қилдилар. Ҳолбуки, уларнинг шомликлар қароргоҳига киришига бир қадам қолган эди. Уларнинг бошлиғи хабарчига «Қайтиб бориб, уларга айт! Бир неча лаҳза қолди, холос. Қандоқ қилиб ортга қайтаман ахир?» деди. Мухолифлар эса агар улар қайтмаса, ҳазрати Алий ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳуга қарши қурол кўтаришларини айтишди. Алий ибн Абу Толиб каррамаллоҳу ваҷҳаҳу Ашъас ибн Қайс розияллоҳу анҳуни Муовиянинг олдига юбориб, «Нима демоқчисан?» деб сўрадилар. У бўлса «Биз ҳам, сиз ҳам Аллоҳнинг Китобига қайтайлик. Ўзимиз рози бўлган бир одамни танлайлик. Сизлар ҳам ўзингиз рози бўлган бир одамни танланглар. Ҳаммамиз ўша икки кишидан Аллоҳнинг Китоби амр қилган ҳукми чиқариш аҳдини олайлик. Иккови нимага қарор қилса, ҳаммамиз шунга эргашамиз», деди.

Ҳазрати Алий ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу бу таклифга рози бўлдилар.

Ишни ҳакамлар орқали ҳал қилишга келишилгач, ҳазрати Алий ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу Сиффиндан Кўфага қайтдилар. Аммо бу пайтда у кишининг одамлари орасида катта ва хатарли ажралиш пайдо бўлган эди. «Ишни ҳакамларга ошириш нотўғри, залолат бўлди» деган фикрни маҳкам ушлаб олганлар алоҳида хатарли кучга айланган эди. Ана шу қарши чиққанлар Ҳаруро деган қишлоқда тўпланиб, йиғин ўтказишди. Улар тахминан ўн икки минг киши эдилар. Ажралиб чиқишгани учун кейинчалик уларни «хаворижлар» деб аташди. Ўзларининг дастлабки мажлисини Ҳаруроода ўтказгани учун «ҳарурийлар» деб ҳам номланишди.

Алий ибн Абу Толиб каррамаллоҳу ваҷҳаҳу гаплашиб кўриш, насиҳат қилиш учун уларнинг йиғинига Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумони юбордилар. Аммо бу иш ҳеч қандай фойда бермади. Шунда уларнинг ҳузурига ҳазрати Алий ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳунинг ўзлари бориб, «Бу қарши чиқишингизнинг сабаби нима?» деб сўрадилар. «Сиффин куни ҳакамга рози бўлганинг», дейишди. «Мен икки ҳакамга Қуръон тирилтирган нарсани тирилтириб, Қуръон ўлдирган нарсани ўлдиришни шарт қилиб қўйдим-ку!» дедилар. «Бизга айтчи, қон (қасос) масаласида бандани ҳакам қилиш адолатдан бўладими?» дейишди. «Биз бандани ҳакам қилганимиз йўқ, Қуръонни ҳакам қилдик. Қуръон – икки жилд орасига муқоваланган саҳифаларга ёзилган хат, у гапирмайди, шунинг учун унинг ҳукмини одамлар гапирадилар», дедилар. «Бўлмаса нима учун орада маълум вақт белгиладинг?» дейишди. Ҳазрати Алий: «Билмаган билиб олиши, билган пишитиб олиши учун. Шояд Аллоҳ ушбу келишув

туфайли бу умматнинг ишини ислоҳ қилса», дедилар.

Кейин ушбу ривоятда келган гап-сўзлар ҳам бўлиб ўтди.

يَنْهَجُ لِإِبْهَةِ وَنَبِذِي زَنْعٍ
يَفَنَّاكَ وَهَنْعُهُ لَلَا يَضَرُّ
يَلَعَعَمَ رَأْسِي ذَلَا شِيْجُ لَلَا
جِرَاوْخُ لَلَا يَلِيْ هَنْعُهُ لَلَا يَضَرُّ
هُنَعُهُ لَلَا يَضَرُّ يَلَعَعَلْ أَقْفُ
تُعَمَسُ يَنْبِذِي سَأَنَلَا أَيْ أ
هَلَلَا يَلَصُ هَلَلَا لُؤْسَرُ
جُرْخِي «لُؤْقِي مَلَسُو هِيْلَعُ
نَأْرُقُلَا نَوَأْرُقِي يَتْمَأُ نَمُ مَوْقُ
مِهِتْ أَرْقُ يَلِيْ مُكْتَأَرْقُ سِيْلُ
يَلِيْ مُكْتَأَلْ صَالُو، عِيْ شَبُ
أَلُو، أَيُّ يَشُ مِهِتْ أَلْ صُ

مِهِم أَي ص يَلِإِ مُكُم أَي ص
نَأْرُقِلَا نَوَأْرُقِي ، أَيِّي ش
وَهُوْ مُهَلُّهُنَا نَوُبِسْخِي
مُهُتَالَصُ زَوَاجُتِ آلِ ، مَهْيَلَعِ
نَمَ نَوُقُرْمِي ، مَهْيَقَارَتِ
مُهُسَلَا قُرْمِي أَمَكِ مَالِسِإِلَا
شِي جَلَا مَلْعِي وَوَلِ ، هِي مَّرَلَا نَم
يَضُقِ أَمُ مَهَنَوُبِي صِي يَدُّلَا
مَهْيَبَنِ نَأْسَلِ يَلَعُ مُهَلِ
مَلَسَوِ هِيَلَعُ هَلَلَا يَلَصِ
كِلَذُ هِيَأُو ، لَمَعَلَا نَعِ أَوْلَكَّتَلِ
دُضَعُ هَلِ أَلْجَرُ مَهِي فَنَّا
سَأْرِ يَلَعِ ، عَأْرَذُ هَلِ سِيَلَوِ

يَدُّثِلَاةَ مَلَحُ لُثِمِ هِدُضَعِ
، «ضِيْبُتْ أَرْعَشِ هَيْلَعِ
لَهَاوَةَ يَوَاعُ مِ يَلَا نُوْبَهَدَّتَفِ
ءَالُوَّهَ نُوْكُرَّتَتَوِ مِشِلَا
مُكِّي رَارَذِي فِ مُكَّنُوْفُ لُخِي
نَا وُجْرَالِ يِّنَا هَلَلَاوُ مُكِلَاوُمَاوُ
مُهَّنِإِفَ مَوْقِلَا ءَالُوَّهَ اُونُوْكَيِ
مَارْحَلَا مَدَلَا اُوْكَفَسِ دَقِ
سَانَلَا خَرَسِي فِ اُورَاعَاوُ
يَهَلَلَا مَسَا يَلَعِ اُورِي سَفِ
اَنْرَسَفِ بِهَوُ نُبُ دِي زَلَاقِ
اَنْرَرَمِ يَّتَحِ اَلْزَنَمِ اَنْلَزَنَفِ
اَنْيَقَتَلَا اَمَلَفِ رَطُنَقِ يَلَعِ

ذُبَعِ ذِي مَوِيحٍ رَاوْخُ لَا يَلَعَو
يِبِسْ أَرْ لَابْ هَوِ نَبِ هَل لَا
حَامَّر لَا أَوْ قَلَا : مُهَل لَاقَف
نَمْ مَكَّ فَوْسْ أَوْلُسْ وَ
نَا فَاخَّ أَيَّنَ إِفْ أِهِن وَفُج
مُكَّ وَدَشَّ أَنْ أَمْ كُ مُكَّ وَدِشَّ أَنْ ي
مِهَّ أَمْ رَبَّ أَوْ شَخَّ وَفَّ أَرْ وَرَحَّ مَوِي
مُهَّ رَجَّ شَّ وَفَّ وَيُّسْ لَا أَوْلَسْ وَ
لَتُّ قَفَّ مِهَّ أَمْ رَبُّ سَّ أَنْ لَا
أَمْ وَ مِهَّ ضَعَّ بَ يَلَعُ مُهَّ ضَعَّ بَ
نَا لُجَّ رَّ أَلَا أَنْ شَيَّ جَنْ مَبَّ يَصُّ أ
: هُنَّ عُّ هَل لَا يَضَرُّ يَلَعُ لَاقَف
جَدْخُ مَلَا مَهْيَ فَا أَوْ سَمَّتْ لَا

هُوْدِجِيْ مَلَفْ هُوْسَمَتَلْ اَفْ
يْتَحِ هِسْفَنْبْ يَلَعْ مَاقَفْ
مُهْضَغَبْ لَتُقْ دَقْ اَسَانْ يَتَاْ
مُهْوَجْرَحَاْ : لَاقِ ضَغَبْ يَلَعْ
ضُرَاْلَاْ يَلِيْ اَمْمْ هُوْدِجَوْفْ
هَلْ لَاقِدَصْ : لَاقِ رَّبَكْفْ
هَيَلَاْ مَاقَفْ هُوْسَرْعَلَبَوْ
اِيْ : لَاقِفْ يَنْاْمَلْسَلَاْ هَدِيْبَعْ
اَلْ يَدَّلَاْ هَلْ لَاقِنِيْ نَمُوْمَلَاْ رِيْمَاْ
اَدَهَاتْ عَمَسَلْ وَهْ اَلَاْ هَلَاْ
هَلْ لَاقِلْ وُسَرْ نَمَثِيْدَحَلَاْ
مَلَسَوِ هَيَلَعْ هَلْ لَاقِيْلَصْ
هَلَاْ اَلْ يَدَّلَاْ هَلْ لَاقِيْلَاْ : لَاقِفْ

هُفَلْحَتْ سَايَتْ حَ وَهُ الْإِ هُ هَاوْرُ. هَلْ فَلَ حَيِّ وَهُ وَ أَثْ أَلْ ث دُوَادُ وَبَأُو مَلْسُ م

Зайд ибн Ваҳб ал-Жуҳаний розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Алий розияллоҳу анҳу бошчилигида хаворижларга қарши борган лашкарда мен ҳам бор эдим. Алий розияллоҳу анҳу шундай деди: «Одамлар! Мен Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг шундай деганларини эшитганман: **«Умматимдан бир қавм чиқади. Улар шундай Қуръон ўқишадики, қироатингиз уларнинг қироати олдида ҳеч нарса бўлмай қолади, намозингиз уларнинг намози олдида ҳеч нарса бўлмай қолади, рўзангиз уларнинг рўзаси олдида ҳеч нарса бўлмай қолади. Улар Қуръонни ўқиб, буни ўзининг фойдасига деб ҳисоблашади, аммо у уларнинг зарарига бўлади. Уларнинг намози бўғзидан нарига ўтмайди. Улар Исломдан худди камондан чиққан ўқдек чиқишади. Уларга талафот етказган лашкар Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тилидан ўзларига нималар берилишини билишганида, бундан бошқа амал қилмай қўйган бўлишар эди. Уларнинг аломати шундай: ораларида бир одам бўлади, унинг билаги бору, тирсаги бўлмайди, билагининг бошида сийнанинг соғадиган жойига ўхшаш нарса бор, унинг устида оқ туклар бор».**

Сизлар Муовия томонга, Шом аҳли томонга кетяпсизлар, аммо болачақангиз ва мол-мулкингизни анавиларга қолдириб кетасизми? Аллоҳга қасамки, мен уларни ўша қавм бўлса керак, деб ўйлайман. Чунки улар ҳаром қилинган қонни тўкишди, одамларнинг чорвасини ғорат қилишди. Қани, бисмиллаҳ, олға!»

Бориб, бир манзилга тушдик. Кейин бир кўприкдан ўтдик. Ўша куни хаворижларнинг бошлиғи Абдуллоҳ ибн Ваҳб Росибий эди. Тўқнашган чоғимизда у уларга «Найзаларни ташланглар, қиличларингизни қинидан

чиқаринглар! Улар сизларга худди Ҳаруро куни мурожаат қилишганидек мурожаат қилишидан хавфдаман», деди. Улар қайтиб, найзаларни ташлаб, қиличларини суғуришди. Лашкар уларни найзалар билан қарши олди. Ҳаммасини қатл қилиб, устма-уст тахлаб қўйишди. Биздан эса икки кишигина мусибатга учради.

Жангдан сўнг Алий розияллоҳу анҳу: «Уларнинг ичидан ўша билагини оқис одамни топинглар!» деди. Лекин одамлар уни топа олишмади. Шунда Алийнинг ўзи ўрнидан туриб, бир-бирининг устига тахланиб ётган ўликларнинг олдига борди. «Буларни нарига сурунглари», деди. Ниҳоят, ўша одамни топишди. У ўликларнинг энг тагида ётган экан. Шунда Алий такбир айтиб, «Аллоҳ рост айтган, Расули рост етказган!» деди.

Абийда Салмоний унинг олдига бориб, «Эй амиралмўминин! Ўзидан ўзга илоҳ бўлмаган Аллоҳ ҳақи айтинг, шу ҳадисни Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг ўзларидан эшитганмисиз?» деди. Али: «Ўзидан ўзга илоҳ бўлмаган Аллоҳга қасамки, ҳа!» деди. У Алийдан қасам ичишни уч марта сўрагани, уч марта қасам ичди».

Муслим ва Абу Довуд ривоят қилганлар.

«Фитналар ва Қиёмат аломатлари» китобидан